

Олтинсой туманида 2021-йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар тўғрисида



1. Маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида 2018 йил 22 августдаги 3917-сон қарори юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Таъкидлаш лозимки, мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини ислоҳ қилиш доирасида иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бюджет жараёни очиқлигини оширишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва сифати, уларни хорижий инвесторларга ва бошқа манфаатдор субъектларга етказиш, шунингдек, парламент вакиллари ва фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёнидаги иштироки даражаси етарли эмаслиги таъкидланди.

2. 2021 йил майдан бошлаб бюджет харажатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПК-5072-сон қарори юзасидан қуйидагилар белгилаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПК-5072-сопли Қарорига мувофиқ бюджет харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш тартиби босқичма-босқич жорий этилиши белгиланганлиги ва бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли Қарори қабул қилинган.

Тумандаги фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида ғолибларни аниқлаш тартиби куйидагича амалга оширилди:

Учинчи босқич якунларига кўра, туман бўйича ғолиблар энг кўп овоз йиққан таклифлар асосида аниқланди.

Ғолибларни аниқлашда туман бўйича келиб тушган энг кўп овоз тўплаган таклифлар овоз сонидан келиб чиқиб юқоридан пастга қараб саралаб олинди ғолиб таклифларни молиялаштириш тегишинча халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021-йил 10-майдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги №IV-28/8-сонли қарори билан тасдиқланди.

Жамғармадаги мавжуд маблағдан келиб чиқиб бир ёки бир нечта таклиф саралаб олингандан сўнг, жамғармада қолдиқ маблағ вужудга келса ва ушбу маблағ кетма-кетлик бўйича кейинги таклифни молиялаштиришга етарли бўлмаса, лекин қолдиқ маблағ ушбу таклифнинг амалга ошириш қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлган ҳолларда ушбу таклиф ҳам ғолиб деб топилиши мумкинлиги инобатга олинган.

Бунда таклифнинг амалга ошириш қийматининг қолган қисми туман бюджетининг қўшимча манбалари ёки туман бюджети харажатлари доирасида амалга оширилади. (ушбу тартибга кўра қолдиқ маблағ кетма-кетлик бўйича кейинги таклифнинг 50 фоизидан кам бўлса, ушбу таклифдан кейинги ўринни эгаллаган таклифга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин);

Агарда тегишли жамғармадаги мавжуд маблағ энг кўп овоз тўплаган таклифнинг амалга ошириш қийматидан кам бўлса, бундай ҳолда энг кўп овоз тўплаган битта таклиф ғолиб деб топилади ва ушбу таклифнинг амалга ошириш қиймати ва жамғармадаги мавжуд маблағ ўртасидаги фарқ:

- жамғармага ўтказилиши лозим бўлган мавжуд қарздорлик ҳисобидан;
- туман бюджетининг 3-чорак якунарига кўра шаклланиши кутилаётган қўшимча манбалар ҳисобидан;
- қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши ҳисобга олинган.

2021 йил май ойидан бошлаб Республикамизнинг 14 та туман ва шаҳарларида

Жумладан Олтинсой туманида ҳам (Халқ Депутатлари Олтинсой туман кенгашининг 2020 йил 28-декабрдаги №VI-23/1-сонли қарорига асосан 2021 йил учун туман маҳаллий бюджети 143,295 млрд сўмга тасдиқланиб шундан 5% 7,165 млрд сўмни ташкил этади),

2021 йил 1 июлдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фоиздан 30 фоизга ошириш ҳақидаги таклифлар киритилган ҳамда маъқулланган.

Жумладан;-

- 1). 2021 йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағларининг 10 фоизи 120,3 млн сўм.
- 2). 2021 йил 1-чорак даромадларнинг харажатлардан ортириб бажарилган қисми хисобидан 10 фоизи 20,2 млн сўм.
- 3). 2021 йил 2-чорак даромадларнинг харажатлардан ортириб бажарилган қисми хисобидан 30 фоизи 296,2 млн сўм.
- 4). 2021 йил 3-чорак даромадларнинг харажатлардан ортириб бажарилган қисми хисобидан 30 фоизи 481,5 млн сўм.

Жами бўлиб фуқаролар ташаббуси жамғармасига 8083,2 млн сўм маблағ ўтказилган.

Шундан Овоз бериш жараёнида “Очиқ бюджет” ахборот порталида учинчи босқич якунларига кўра, туман бўйича энг кўп овоз йиққан 24 та таклифлар ғолиб деб топилиб, ғолиб такифларни молиялаштириш учун ташаббусли бюджет жамғармасидан 7475,0 млн сўм маблағ молиялаштирилди.

2022 йил 1-Январ ҳолатига ташаббусли бюджет жамғармаси ҳисоб рақамидаги қолдиқ 608,2 млн сўмни ташкил этади.

Овоз бериш жараёни бўйича алоҳида маълумот.

1 босқич. Қарорга асосан жорий йилнинг 2021 йилнинг 1-31 июл кунлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг openbudget.uz расмий веб сайтига 1-босқич яъни таклиф бериш жараёнида фуқароларнинг ташаббуси билан 248 та таклифлар берилди.

2 босқич. 2021 йил 1-12 август кунлари 2-босқич бўйича Ишчи гуруҳ томонидан киритилган 248 та таклифдан 218 та таклиф кейинги босқичга ўтказилиб қабул қилинган ва 30 та таклиф белгиланган мезонларга мос келмаганлиги учун рад этилди.

3 босқич. 2021 йилнинг 13-августидан 2-сентябр кунига қадар киритилган таклифларга овоз бериш жараёни бўлиб ўтди.

Овоз бериш жараёнида “Очиқ бюджет” ахборот порталида учинчи босқич якунларига кўра, туман бўйича энг кўп овоз йиққан 24 та таклифлар ғолиб деб топилди.

Ғолиб деб топилган 1. Олтинсой туман Ахборот-кутубхона маркази ўқув залини жиҳозлаш учун 100 000 000 (бир юз миллион) сўм

2. Олтинсой туман Янгиқурилиш маҳалласида жойлашган "Тангиз тепа" қишлоғи фуқароларини тоза ичимлик суви билан таъмирлаш учун 800 000 000 (Саккиз юз миллион) сўм

3. Олтинсой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли мактабни жорий таъмирлаш учун 500 000 000 (беш юз миллион) сўм

4. Олтинсой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 26-мактабнинг хожатхонаси таъмирлаш учун 72 000 000 (етмиш икки миллион) сўм.
5. Хожайпок мфй Ховуз кишлоғи ҳамда Бештахта кишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш 500 000 000 (беш юз миллион) сўм.
6. Халқ таълими бўлимига қарашли 9-Мақтабни таъмирлаш учун 380 000 000 (уч юз саксон миллион) сўм.
7. Chinor Mahallasiga Vahshivor mahallasi orqali oqib utuvchi (Vaxshivor dara) kanalini ta'mirlash hamda eskirgan temir latoklarni almashtirish учун 115 000 000 (бир юз ўн беш миллион) сўм.
8. Олтинсой туман Баркамол авлод болалар мактабини жорий таъмирлаш учун 300 000 000 (Уч юз миллион) сўм.
9. Олтинсой туман Хайрандара маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш учун 600 000 000 (Олти юз миллион) сўм.
10. Олтинсой туман Ипок маҳалласи кучаларига тунги чироқлар урнатиш учун 100 000 000 (Бир юз миллион) сўм.
11. Олтинсой туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Хайрандара Қишлоқ врачлик пункти binosini joriy ta'mirlash учун 715 000 000 (Етти юз ўн беш миллион)сўм
12. Олтинсой туман Мармин маҳалласи "Чироқчи" кучасини ичимлик суви билан таъминлаш
100 000 000 (Бир юз миллион) сўм
13. Олтинсой туман Қоратепа маҳалласининг ички йулларини асфалтлаш учун 250 000 000 (Икки юз эллик миллион) сўм.
14. Олтинсой туманидаги 23-сонли мактабнинг хожатхонасини таъмирлаш учун 70 000 000 (Етмиш миллион) сўм.
15. Олтинсой туман Маданият Маҳалласининг ички йулларини таъмирлаш учун 300 000 000 (Уч юз миллион) сўм
16. Олтинсой туман Янгикурилиш маҳалласида жойлашган"Бобур" Қишлоқ оилавий поликлиникасини таъмирлаш ва моддий техник базасини мустахкалаш 400 000 000 (Турт юз миллион) сўм.
- 17.Олтинсой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 31-сонли мактабни жорий таъмирлаш учун 80 000 000 (Саксон миллион) сўм.
18. Олтинсой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 16-умумий урта таълим мактаб биносини таъмирлаш учун 450 000 000 (Турт юз эллик миллион) сўм.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19-мартдаги 12-сонли йиғилиш баёни билан қабул қилинган 5 та муҳим ташаббус бўйича тақлифларни амалга ошириш учун 300 000 000 (Уч юз миллион) сўм.
20. Олтинсой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 24-sonli maktabни жорий таъмирлаш учун 200 000 000 (Икки юз миллион) сўм.
21. Олтинсой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 8-sonli maktabни жорий таъмирлаш учун 200 000 000 (Икки юз миллион) сўм.

22. Олтинсой туман Халқ таълими бўлимига қарашли 7-сонли умумий урта таълим мактаб хожатхонасини таъмирлаш учун 63 000 000 (Олтмиш уч миллион) сўм.

23. Олтинсой туман 7-Мактабгача таълим ташкилотини хожатхона биносини ва ошхона биносини жорий таъмирлаш ва моддий техника базасини мустахкамлаш учун 180 000 000 (Бир юз саксон миллион) сўм

24. Олтинсой туман Қорлиқ маҳалласи Қорлиқ дарёси узанини сел тошқинидан химоялаш учун 700 000 000 (Етти юз миллион) сўм жами бўлиб Ғолиб деп топилган 24 та таклиф учун 7 475 000 млн сўм маблағлар модерация жараёнида тақсимланди.

Byudjet jarayonining ochiqligini ta'minlash maqsadida rasmiy veb-saytlarda ma'lumotlarni joylashtirish tartibi to'g'risidagi nizomga
16-ILOVA

Tashabbusli byudjetlashtirish natijalari bo'yicha

МА'LUMOT

Oltinsoy tuman

T/r	Ko'rsatkich nomi
------------	-------------------------

1.	Yil boshiga qoldiq
----	--------------------

2.	Fuqarolar tashabbusi jamg'armasiga o'tkazilgan mablag'lar*
----	--

3.	Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan (g'olib deb topilgan) tadbirlarni moliyalashti
----	--

3.1.	Tadbirlarni amalga oshirayotgan pudratchi tashkilotlarga bajarilgan ishlar uchun to'la
------	--

3.2. Tadbirlarni moliyalashtirishga ajratilgan, biroq pudratchi tashkilotlarga to'lab berilmagan

4. Fuqarolar tashabbusi jamg'armasidagi qoldiq mablag'lar

T/r	Bajarilgan tadbirlar nomi	Moliyalashtirilgan taklif
1.	Hududiy ichki yo'llar	2
2.	Umumta'lim maktablarini ta'mirlash va jihozlash	9
3.	Maktabgacha ta'lim muassasalarini ta'mirlash va jihozlash	1
4.	Sog'liqni saqlash muassasalarini ta'mirlash va jihozlash	2
5.	Boshqa ijtimoiy soha muassasalarini ta'mirlash va jihozlash	1
6.	Ichimlik suvi ta'minotini yaxshilash	4
7.	Ko'cha chiroqlarini o'rnatish	1
8.	Oltinsoy tuman Axborot-kutubxona o'quv zalini jihozlash	1
9.	CHinor Maxallasiga Vaxshivor maxallasi orqali oqib utuvchi (Vaxshivor dara) kanalini ta'mirlash xamda eskirgan temir latoklarni almashtirish	1

10.	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 19-martdagi 12-sonli yig'ilish bayoni bilan qabul qilingan 5 ta muxim tashabbus bo'yicha takliflar.	1
11.	Oltinsoy tuman Qorliq maxallasi Qorliq daryosi uzanini sel toshqinidan ximoyalash	1
jami		24